

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

393 Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2701*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сонли «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги қарорларига мувофиқ, шунингдек ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Маданият ва спорт
ишлари вазири**

Б. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 июнь,
15-сон

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 июнь,
9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда
Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил
29 июндаги 15 ва 9-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни
сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва
улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сонли «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги қарорларига мувофиқ ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

пневматик спорт қуроли — сиқилган, суюлтирилган ёки қотирилган газсимон модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳаракатга келувчи снаряд ёрдамида нишонни масофадан урувчи, спортнинг пневматик ўқотиш турлари бўйича ўтказиладиган машғулот ва мусобақаларда фойдаланиш учун мўлжалланган қурол;

ўқотар спорт қуроли — порох ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳаракатга келувчи снаряд ёрдамида нишонни масофадан туриб механик зарар етказувчи, спортнинг ўқотар ўқотиш турлари бўйича ўтказиладиган машғулот ва мусобақаларда фойдаланиш учун мўлжалланган қурол;

ўқ-дорилар — ўқотар ва пневматик спорт қуролидан отишга мўлжалланган ўқлар (патронлар, ўқчалар);

қуролхона — қурол ва ўқ-дориларни сақлаш учун мўлжалланган, техник жиҳатдан мустаҳкамланган ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланган иншоот (омбор, хона).

2. Мазкур Йўриқнома ўқотиш спорти ташкилотларига (спорт ва спорт-техник клублари, спорт мактаблари, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда ташкилотлари ва бошқалар) (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш

3. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар фақат қуролхонада сақланиши керак.

Агар ташкилотда қуролхона мавжуд бўлмаса, унга тегишли бўлган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар бошқа ташкилотга тегишли бўлган қуролхонада сақланиши лозим.

4. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни фуқароларнинг, шу жумладан ташкилот ходимларининг турар жойларида, шунингдек спорт делегациялари (жамоалари) жойлаштирилган жойларда (меҳмонхоналар, ётоқхоналар, спорт лагерлари ва бошқалар) сақлаш тақиқланади.

5. Ўқотар спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар сақланадиган қуролхоналар идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар сақланадиган қуролхоналар ўқотар спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар сақланадиган қуролхоналарга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак. Пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар сақланадиган қуролхоналарнинг деворлари, шифт тўсинлари ва поли ичкари томондан бутун майдон бўйича қўшимча равишда металл панжаралар билан мустаҳкамланиши (арматура билан жиҳозланиши) ҳамда ички ишлар органларининг техник қўриқлаш пункти қўриқловига топширилиши талаб этилмайди.

6. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар қуролхонанинг ичида жойлаштирилган қулфланадиган ва муҳрланадиган сейфлар ёки металл шкафлар (яшиқлар)да сақланади.

Қуроллар ўқ-дорилардан алоҳида сақланиши керак.

7. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар сақланадиган сейф ва металл шкафлар (яшиқлар) деворларининг қалинлиги 3 мм дан кам бўлмаслиги, камида иккита ички (ўйма) қулфлар билан жиҳозланган ҳамда пол ёки деворга қотирилган (пайвандланган) бўлиши лозим, катта габаритли (ўлчамлари 1500 x 600 x 500 мм дан кўп бўлган) ва оғир (оғирлиги 700 кг дан ортиқ бўлган) сейф ва металл шкафлар (яшиқлар) бундан мустасно.

Сейф ва металл шкафлар (яшиқлар)нинг эшиқлари металл уст-қўймалар (накладка) ёки бурчаклар билан мустаҳкамланган бўлиши керак.

8. Қуролхонада сейфлар, металл шкафлар (яшиқлар)нинг сони, рақами ва қайси муҳр билан муҳрланиши кўрсатилган рўйхат осилган бўлиши керак.

9. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ўқув-кўргазма қуроллари, спорт анжомлари ва бошқа буюмлар билан бирга сақлаш тақиқланади.

10. Ўқотар ва пневматик спорт қуролини тозалаш-мойлаш материаллари (мой, ишқорлар ва ҳоказо) улар учун ажратилган махсус жойларда қурол ва ўқ-дорилардан алоҳида сақланади.

11. Қуролхона, ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар сақланадиган сейф ва металл шкафлар (яшиқлар)нинг иккита калитлар тўплами бўлиши керак. Калитларнинг биринчи тўплами ташкилот раҳбари томонидан тайинланган қурол ва ўқ-дориларнинг бут сақланиши учун масъул шахсда (бундан буён матнда сақлаш учун масъул шахс деб юритилади), иккинчиси эса, ташкилот раҳбариди муҳрланган қутига жойлаштирилган ҳолда қулфладиган сейф ёки металл шкафда сақланиши лозим.

12. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг қурук ҳолда сақланиши таъминланиши керак.

3-боб. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ташиш

13. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташилиши мумкин.

Қурол ва ўқ-дориларни шаҳар жамоат транспортида ва от-араваларда ташиш тақиқланади.

14. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ташишда ташкилот раҳбари томонидан уларни ташиш учун масъул шахс (бундан буён матнда ташиш учун масъул шахс деб юритилади) тайинланади.

Ўқотиш машғулоти ва мусобақалари жойига борган ҳолда ўтказилган вақтда ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ташиш учун ташкилот раҳбари томонидан тайинладиган ўқотиш раҳбари (бундан буён матнда ўқотиш раҳбари деб юритилади) масъул ҳисобланади.

15. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар белгиланган жойга (ташкilot, ички ишлар органи, қурол таъмирлаш ташкилоти) етказилганда улар ташиш учун масъул шахс томонидан дарҳол тегишли қуролхонага топширилиши лозим.

16. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар ўқотиш машғулоти ва мусобақалари ўтказилладиган жойга етказилганда қурол ва ўқ-дорилар ўқотиш раҳбари томонидан вақтинчалик сақлаб туриш учун тегишли қуролхонага дарҳол топширилиши керак.

Агар ўқотиш машғулоти ёки мусобақалари бир кундан ошмайдиган муддатда (шу куннинг ўзида) ўтказилиши мўлжалланаётган бўлса, етказилган қурол ва ўқ-дорилар қуролхонага топширилмасдан ўқотиш раҳбари томонидан доимий қаров остида сақланади ҳамда машғулотлар ёки мусобақалар яқунланиши билан улар доимий сақланадиган қуролхонага қайтариб етказилади ва топширилади.

17. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар улар учун мўлжалланган махсус қутиларда ғилоф кийдирилган ҳолда ташилади. Бун-

да қурол ўқсизлантирилган бўлиши ҳамда ўқ-дорилардан алоҳида жойлаштирилиши керак.

18. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар автомобиль транспортида ташилганда, улар автомобиль транспортнинг қулфланадиган кузови (багаж отсеки)да ташилади. Бунда қурол ва ўқ-дориларнинг бегона шахслар томонидан кўздан кечирилиши имконияти истисно этилиши керак.

19. Автомобиль транспортида ўқотар спорт қуроли ва унга ўқ-дориларни ташишда ташиш учун масъул шахсга ташкилот раҳбари томонидан қўшимча равишда қўриқловчи шахс бириктирилади.

Агар ўқотар спорт қуроллари сони ўнта ва ундан ортиқ бўлса ёки уларга ўқ-дорилар сони беш юзта ва ундан ортиқ бўлса, улар ички ишлар органлари (идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати)нинг қуролланган икки нафар ходими қўриқлови остида ташилиши керак. Қуроллар ва ўқ-дорилар икки ва ундан ортиқ автомобиль транспортида ташилса, уч нафар қуролланган ходим бўлиши лозим.

20. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни темир йўл транспортида ташишда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидалари ҳамда 2011 йил 30 ноябрдаги 314-сонли қарори билан тасдиқланган Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва бошқа шахсларни, қўл юкини, багажни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига риоя этилиши керак.

21. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ҳаво транспортида ташишда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июлдаги 256-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини ғайриқонуний аралашув ҳаракатларидан авиация хавфсизлиги жиҳатидан ҳимоялашни таъминлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎзР АҚ-198) (рўйхат рақами 1721, 2007 йил 25 сентябрь) талабларига риоя этилиши лозим.

4-боб. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни бериш ва қабул қилиш

22. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар улардан фойдаланувчи ўқувчи, спортчи, тренер (тренер-ўқитувчи) ёки инструкторга (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) ўқотиш машғулотларида ёки мусобақаларда фойдаланиш ёхуд қуролни тозалаш-мойлаш учун берилади.

23. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар улар сақланадиган қуролхоналардан сақлаш учун масъул шахс томонидан берилади ва қабул қилинади ҳамда ушбу ҳақидаги тегишли маълумотлар мазкур Йўриқ-

номанинг 1-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган журналда (бундан буён матнда журнал деб юритилади) қайд қилинади.

24. Сақлаш учун масъул шахс томонидан ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни фойдаланувчиларга бериш учун мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тасдиқланадиган ўқотар ва пневматик спорт қуролларини бириктириш қайдномаси асос бўлиб ҳисобланади.

Қуроллар фақат қайдномада кўрсатилган шахсларга, ўқотиш машғулотлари ва мусобақалари жойига борган ҳолда ўтказилган тақдирда эса, ўқотиш раҳбарига берилади.

Мазкур қайднома сақлаш учун масъул шахс томонидан ҳар йили 1 январь ҳолатига тузилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Қайдномада кўрсатилган шахслар ўзгарган тақдирда, у янгитдан тузилиши ва қайта тасдиқланиши керак.

25. Ўқотиш машғулотлари ёки мусобақалари жойига борган ҳолда ўтказилган тақдирда ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар зарур миқдорда ўқотиш раҳбарига берилади ва бу ҳақда журналда тегишли ёзувлар қайд қилинади.

Ўқотиш машғулотлари ва мусобақалари ўтказиладиган жойда қуроллар ва ўқ-дорилар фойдаланувчиларга мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштириладиган тарқатиш-қабул қилиш қайдномаси (бундан буён матнда тарқатиш-қабул қилиш қайдномаси деб юритилади) асосида ўқотиш раҳбари томонидан тарқатилади ва қабул қилиб олинади.

Ўқотиш машғулотлари ёки мусобақалари яқунлангандан сўнг қурол ва ўқ-дорилар (фойдаланилмай қолган ва фойдаланишда отилмай қолган (осечка) ўқ-дорилар) фойдаланувчилар томонидан ўқотиш раҳбарига топширилади.

Қурол ва ўқ-дорилар (фойдаланилмай қолган ва ишлатишда отилмай қолган (осечка) ўқ-дорилар) ўқотиш раҳбари томонидан улар сақланадиган қуролхонага тарқатиш-қабул қилиш қайдномаси билан бирга топширилади ва бу ҳақда журналга тегишли ёзувлар қайд қилинади.

5-боб. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ҳисобга олиш

26. Ташкилотга фойдаланишга қабул қилинган (кирим қилинган) ҳамда унинг ҳисобида мавжуд бўлган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг ҳисоби доимий равишда олиб борилиши шарт.

27. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ҳисобга олиш билан бирга, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва ҳисобда мавжуд бўлган қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳаракати билан боғлиқ маълумотлар ҳам умумлаштириб борилади.

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг ҳисоби сақлаш учун масъул шахс томонидан олиб борилади.

28. Ташкилотга фойдаланишга қабул қилинган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар дарҳол қуролахонага сақлаш учун топширилиши ва тегишли кирим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати) асосида ҳар бир ташкилотда юритиладиган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ҳисобга олиш китобида (бундан буён матнда китоб деб юритилади) ҳисобга олиниши лозим.

29. Китоб уч қисмдан иборат бўлади ва сақлаш учун масъул шахс томонидан юритилади.

30. Китобнинг биринчи қисмида ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг жамланма ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва у мазкур Йўриқноманинг 4а-иловасига мувофиқ шаклдаги жадвал кўринишида ҳар бир қурол (аниқ бир турдаги, номдаги, марка, модель ва калибрдаги) ҳамда унга ўқ-дорилар бўйича алоҳида расмийлаштирилади.

Китобнинг мазкур қисми қурол ва унга ўқ-дорилар ҳисобга олинган ҳамда (ёки) ҳисобдан чиқарилган вақтдаги уларни ҳисобда мавжуд бўлган жами миқдори аниқлаш учун юритилади. Бунда ҳисобда мавжуд бўлган қурол ва унга ўқ-дориларнинг жами миқдори аниқ бир санада ҳисобга олинган ва (ёки) ҳисобдан чиқарилган қурол ҳамда унга ўқ-дориларнинг миқдори уларнинг мавжуд миқдоридан айириш ва (ёки) унга қўшиш орқали аниқланади.

31. Китобнинг иккинчи қисмида ўқотар ва (ёки) пневматик спорт қуролнинг индивидуал ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва у мазкур Йўриқноманинг 4б-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

Китобнинг мазкур қисмида ҳар бир қурол бўйича унинг ҳисобга олинган санаси, ташкилотга қачон ва қаердан келиб тушганлиги, ҳисобга олиш учун асос бўлган кирим ҳужжатининг (счёт-фактура, юк хати) рақами ва санаси, қуролга оид индивидуал маълумотлар, қуролнинг ҳисобдан чиқарилиши ва уни таъмирлаш учун юборилиши, шунингдек унинг техник ҳолати ва яроқлилик тоифаси тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

32. Китобнинг учинчи қисмида ўқотар ва пневматик спорт қуролига ўқ-дориларнинг ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади ва у мазкур Йўриқноманинг 4в-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

Китобнинг мазкур қисмида ўқ-дориларнинг ҳисобга олинган санаси, ташкилотга қачон ва қаердан келиб тушганлиги, ҳисобга олиш учун асос бўлган кирим ҳужжатининг (счёт-фактура, юк хати) рақами ва санаси, уларнинг тури, калибри, ишлаб чиқарилган йили ва партияси, миқдори ҳамда ҳисобдан чиқарилиши, шунингдек уларнинг яроқлилик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

33. Ўқотар ёки пневматик спорт қуроли ташкилот томонидан бериб юборилиши, йўқотилиши (талон-торож қилиниши) ёки яроқсиз ҳолга келиши оқибатида, тегишлича чиқим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати), суриштирув ёки дастлабки тергов органининг тегишли қарори ёхуд қурол ва унга ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда ҳисобдан чиқаришнинг сабаби

ва уни тасдиқловчи ҳужжат ҳақида маълумотлар кўрсатилган ҳолда китобнинг иккинчи қисмида қайд қилиб қўйилиши лозим.

34. Ўқ-дорилар ташкилот томонидан бериб юборилиши, ўтказилган ўқотиш машғулоти ва (ёки) мусобақаларда сарфланиши, йўқотилиши (талон-торож қилиниши) ёхуд яроқсиз ҳолга келиши оқибатида, тегишлича чиқим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати), ўқотиш машғулоти ва (ёки) мусобақада сарфланган ўқ-дориларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатнома, суриштирув ёки дастлабки тергов органининг тегишли қарори ёхуд қурол ва унга ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳақда ҳисобдан чиқаришнинг сабаби ва уни тасдиқловчи ҳужжат ҳақида маълумотлар кўрсатилган ҳолда китобнинг учинчи қисмида қайд қилиб қўйилиши лозим.

35. Қуролхонада сақланаётган қурол ва ўқ-дориларнинг техник ва яроқлилик ҳолатини аниқлаш ҳамда қуролларнинг яроқлилик тоифасини белгилаш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан камида уч кишидан, шу жумладан комиссия раисидан иборат таркибда Қурол ва ўқ-дориларнинг техник ва яроқлилик ҳолатини аниқлаш комиссияси тузилади.

Зарур ҳолларда комиссия иш фаолиятига бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ҳамда ҳудудий ички ишлар органининг масъул ходими таклиф этилиши мумкин.

36. Қурол ва ўқ-дориларнинг техник ва яроқлилик ҳолатини аниқлаш комиссияси томонидан йилига камида бир марта қуролларнинг техник ҳолати ва яроқлилик тоифаси ҳамда ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолати ўрганилади.

Бунда таъмирлашга муҳтож бўлган қурол ёхуд яроқсиз ҳолга келган қурол ёки ўқ-дорилар аниқланганда улар бўйича тегишлича мазкур Йўриқноманинг 5 ва 6-иловаларига мувофиқ шаклда далолатномалар расмийлаштирилади.

Далолатномада тегишлича қуролни таъмирлашга юбориш ёки яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли қурол ёки ўқ-дориларни ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш учун юбориш бўйича хулоса қилинади.

Мазкур далолатномалар комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

37. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли таъмирлаш учун юборилганда унинг таъмирлашга юборилганлиги ва таъмирлашдан қайтарилганлиги ҳақида китобнинг иккинчи қисмида тегишли ёзув қайд қилинади.

Таъмирлаш учун юборилган қурол ҳисобдан чиқарилмайди.

38. Яроқсиз ҳолга келган деб хулоса қилинган ва ҳисобдан чиқарилган қурол ва (ёки) ўқ-дорилар уларни йўқ қилиш учун ҳудудий ички ишлар органига юборилади.

39. Ўтказилган ўқотиш машғулоти ва (ёки) мусобақаларда сарфланган ўқ-дорилар (фойдаланилган ҳамда фойдаланишда отилмай қолган (осечка) ўқ-дорилар) бўйича мазкур Йўриқноманинг 7-илласига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатномада сарфланганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган ўқ-дориларнинг миқдори кўрсатилади.

Мазкур далолатнома сақлаш учун масъул шахс томонидан журналда қайд қилинган маълумотларга асосланган ҳолда тузилади ва у ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

40. Ташкилотда ҳисобга олинган (балансда) мавжуд бўлган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар йилига камида бир марта инвентаризациядан ўтказилиши шарт.

41. Инвентаризацияни ўтказиш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан камида уч нафар аъзодан, шу жумладан комиссия раисидан иборат таркибда Қурол ва ўқ-дориларни инвентаризациядан ўтказиш комиссияси тузилади.

Унинг таркибига сақлаш учун масъул шахс ва ташкилот бухгалтерияси ходими мажбурий равишда киритилади. Зарур ҳолларда комиссия иш фаолиятига ҳудудий ички ишлар органининг масъул ходими таклиф этилиши мумкин.

42. Инвентаризацияни ўтказишда бухгалтерия ҳисобиди кўрсатилган ҳамда китобда ҳисобга олинган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар уларнинг фактик мавжудлиги билан солиштириб чиқилади ва натижаси бўйича далолатнома тузилади.

Далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

43. Инвентаризация натижасида тафовут (қурол ёхуд унга ўқ-дорилар камомати (йўқолганлиги) ёки ортиқча мавжудлиги) аниқланганда ташкилот раҳбари бу ҳақда ҳудудий ички ишлар органига ва идоравий мансуб бўлган ташкилотга (агар мавжуд бўлса) хабар берилишини таъминлаши шарт.

6-боб. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилардан фойдаланиш

44. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилардан фақат ўқотиш машғулоти ёки мусобақаларида фойдаланилади.

45. Ҳар бир ташкилот томонидан ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши керак.

46. Фойдаланувчилар ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари билан таништирилгандан сўнг улардан фойдаланишга рухсат берилади.

47. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар фойдаланиш учун олинганда фойдаланувчи томонидан журналнинг ёхуд тарқатиш қабул қилиш қайдномасининг тегишли катагига имзо қўйилади.

48. Ўқотар ва пневматик спорт қуролидан фақат махсус жихозланган муҳандислик-техник иншооти (тир, стенд, ўқотиш майдони)да фойдаланишга рухсат берилади.

49. Ўқотиш машғулоти ёки мусобақалари жараёнида ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни ўқотиш чизиги, ўтиш йўллари ва бошқа жойларда фойдаланувчининг қаровисиз қолдирилишига йўл қўйилмайди.

50. Ўқотиш машғулоти ёки мусобақалари жараёнида ўқотар ва пневматик спорт қуролини ўқлаш ҳамда ундан нишонга отиш ва қурол билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш фақатгина тренер (тренер-ўқитувчи, инструктор)нинг рухсати билан ҳамда унинг назорати остида амалга оширилади.

51. Қўйидаги ҳолларда ўқотар ва пневматик спорт қуролидан фойдаланиш тақиқланади:

қуролнинг кечки ва тунги вақтларида, яхши кўринмайдиган шароитларда; фойдаланувчи мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлганда;

қурол носоз бўлганда.

52. Ўқотар ва пневматик спорт қуролидан фойдаланишда уни отиш йўналишидан (нишон) ташқари бошқа томонларга қаратишга йўл қўйилмайди.

Қуролни одам(лар)га қаратиш ва ўқталиш тақиқланади.

53. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар (фойдаланилмаган ҳамда фойдаланишда отилмай қолган (осечка) ўқ-дорилар) ўқотиш машғулоти ёки мусобақаси яқунланганидан сўнг фойдаланувчи томонидан қуролхонага, ўқотиш машғулоти ёки мусобақа жойига бориб ўтказилган пайтда эса, ўқотиш раҳбарига дарҳол топширилиши шарт.

54. Ўқотар ва пневматик спорт қуроли фойдаланувчи томонидан уни тозалаш-мойлаш учун олиниши мумкин. Бунда журналнинг тегишли қисмида унинг тозалаш-мойлаш учун олинганлиги кўрсатилади ва фойдаланувчи томонидан имзо қўйилади.

Қуролни тозалаш-мойлаш ишлари бу учун ажратилган махсус жойларда ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилади.

55. Фойдаланувчи фойдаланиш учун олинган қурол ва ўқ-дориларнинг бутлигини таъминлаши ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этиши шарт.

7-боб. Яқуний қоидалар

56. Қуролхонада сақланаётган ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дорилар бир нечта ташкилотга тегишли бўлса, улар бўйича журнал ва китоб ҳар бир ташкилот томонидан алоҳида юритилади.

57. Журнал ва китоб ҳудудий ички ишлар органида ҳисобга қўйилган бўлиши керак.

58. Сақлаш учун масъул шахс алмашганда журнал ва китоб янгидан

тайинланган шахсга қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида топширилиши шарт.

Мазкур далолатнома ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

59. Журнал ва китобнинг титул варағи қалин материал (картон)дан ишланган бўлиши ва унда ташкилот ҳамда у идоравий мансуб бўлган ташкилотнинг (агар мавжуд бўлса) номи, шунингдек у қачон юритилиши бошлангани ва тугатилгани кўрсатилиши зарур.

Журнал ва китобнинг титул варағи мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

60. Журнал ва китоб бетлари изчил кетма-кетликда рақамланган ва ип ўтказиб тикилган бўлиши керак.

Журнал ва китобнинг охириги бетида унинг нечта бетдан иборат эканлиги кўрсатилиши ва ушбу маълумот ташкилот раҳбарининг имзоси ҳамда муҳри, шунингдек ҳудудий ички ишлар органи масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Журнал ва китобнинг охириги варағи мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

61. Журнал ва китобдаги ёзувлар кўк ёки қора рангли шарикли ручка билан аниқ ёзилиши шарт. Ёзувни қайд қилишда ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Хато ёзилганда у матнни ўқиш имкониятини берадиган ҳолда ингичка чизиқ билан ўчирилиб, унинг тепасидан тўғирланган ёзув киритилади ва тегишли ёзув киритилган сатрнинг изоҳ қисмида «тузатилди» деб ёзиб қўйилади ҳамда матнни тўғирлаган шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

62. Журнал ва китоб тўлиқ тўлдирилгунча юритилади.

63. Журнал ва китобнинг бутлиги ва тўғри тўлдирилишига сақлаш учун масъул шахс жавобгар ҳисобланади.

64. Журнал ва китоб қуролхонанинг ичида жойлаштирилган қулфланадиган сейф ёки металл шкаф (яшик)да сақланади.

65. Мазкур Йўриқнома талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

66. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, Ўзбекистон ўқотиш спорти федерацияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2015 йил 15 июнь

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

2015 йил 16 июнь

*Ўзбекистон мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2015 йил 16 июнь

*Ўзбекистон ўқ отиш спорти
федерацияси раиси*

Р. ЭМИНЖАНОВ

2015 йил 18 июнь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раиси*

Ж. РАМАТОВ

2015 йил 22 июнь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
МАК бош директори*

В. ТЯН

2015 йил 22 июнь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи*

В. ИСМОИЛОВ

2015 йил 25 июнь

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни бериш ва қабул қилиш
ЖУРНАЛИ

Т/р	Қурол ва унга ўқ-дориларни фойдаланиш учун олган шахснинг Ф.И.О.	Фойдаланиш учун олинган қурол ва унга ўқ-дорилар, фойдаланиш мақсади				Қурол ва унга ўқ-дорилар олинган сана ва вақт		Қурол ва унга ўқ-дориларни фойдаланишга олган шахснинг имзоси	Қайтариб топширилган қурол ва унга ўқ-дорилар				Қурол ва унга ўқ-дорилар қайтариб топширилган сана ва вақт		Қурол ва унга ўқ-дориларни қабул қилиб олган шахс (сақлаш учун масъул шахс)нинг имзоси	Изоҳ
		қуролнинг тури, номи, маркаси, модели ва калибри	қуролнинг завод серияси ва рақами	қуролга ўқ-дорилар сони (дона)	фойдаланиш мақсади (мангулот, мусобақа, тозалаш-мойлаш)	сана (кун, ой, йил)	вақт (соат, дақиқа)		қуролнинг тури, номи, маркаси, модели ва калибри	қуролнинг завод серияси ва рақами	ўқ-дорилар (дона)		сана (кун, ой, йил)	вақт (соат, дақиқа)		
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	14	15	16	17

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ (ташкilot раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)
20 ____ йил « ____ » _____

М.Ў.

_____ да
(ташкilot номи)

**Ўқотар ва пневматик спорт қуролини бириктириш
ҚАЙДНОМАСИ**

Т/р	Қурол бириктирилган фойдаланувчининг Ф.И.О.	Бириктирилган қурол			Қурол бириктирилган фойдаланувчининг имзоси	Изоҳ
		тури, номи, маркаси ва модели	калибри	завод серияси ва рақами		
	1	2	3	4	5	6

Қайдномани тузувчи: _____ (сақлаш учун масъул шахснинг Ф.И.О.) _____ (имзо) 20 ____ йил « ____ » _____

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

Ўқотиш машғулоти ёки мусобақалари ўтказилган жойда ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни фойдаланувчиларга тарқатиш-қабул қилиш ҚАЙДНОМАСИ

_____ (ташкilot номи)

_____ (ўқотиш машғулоти ёки мусобақалари ўтказилган жойнинг номи ва манзили)

20 ____ йил « ____ » _____

Т/р	Қурол ва унга ўқ-дориларни фойдаланиш учун олган шахснинг Ф.И.О.	Фойдаланиш учун олинган қурол ва унга ўқ-дорилар			Қурол ва унга ўқ-дорилар олинган вақт вақт (соат / дақиқа)	Қурол ва унга ўқ-дориларни фойдаланишга олган шахснинг имзоси	Қайтариб топширилган қурол ва унга ўқ-дорилар				Қурол ва унга ўқ-дорилар қайтариб топширилган вақт вақт (соат / дақиқа)	Қурол ва унга ўқ-дориларни қабул қилиб олган шахс (ўқотиш раҳбари)нинг имзоси	Изоҳ
		қуролнинг тури, номи, маркаси, модели ва калибри	қуролнинг завод серияси ва рақами	қуролга ўқ-дорилар сони (дона)			қуролнинг тури, номи, маркаси, модели ва калибри	қуролнинг завод серияси ва рақами	ўқ-дорилар (дона)				
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Ўқотиш раҳбари: _____ (лавозим ва Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20 ____ йил « ____ » _____

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4а-ИЛОВА

393-Молда

**Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг ҳисобини юритиш
КИТОБИ**

(китобнинг биринчи қисми)

**Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг жамланма
ҲИСОБИ**

Т/р	Ёзув киритилган сана	(қуролнинг тури, номи, маркаси, модели ва калибри)			(қуролга ўқ-дорилар (партия, калибри))		
		ҳисобга олинган	ҳисобдан чиқарилган	ҳисобда мавжуд	ҳисобга олинган	ҳисобдан чиқарилган	ҳисобда мавжуд
	1	2	3	4	5	6	7

— 72 —

29 (685)-сон

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг ҳисобини юритиш
ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
46-ИЛОВА

**Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг ҳисобини юритиш
КИТОБИ**

(китобнинг иккинчи қисми)

**Ўқотар ва пневматик спорт қуролининг индивидуал
ҲИСОБИ**

Т/р	Қурол ҳисобга олинган сана	Қурол қайси ташкилотдан келиб тушганлиги ва санаси	Келиб тушган қуролнинг кирим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати) санаси ва рақами	Ҳисобга олинган қуролга оид индивидуал маълумотлар				Қуролнинг ҳисобдан чиқарилишига оид маълумотлар			Қуролнинг таъмирлаш учун юборилганлиги ҳақида маълумот				Қуролнинг техник ҳолати ва яроқлилик тоифаси	Изоҳ
				тури, номи, маркази ва модели	калибри	ишлаб чиқарилган йили	завод серияси ва рақами	ҳисобдан чиқарилши сабаби (бериб юбориллиши, йўқолиши, таъмир қилиниши) ёки яроқсиз ҳолатга келиши	ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган ҳужжат, унинг рақами ва санаси	ҳисобдан чиқарилган сана	таъмирлаш учун юборилганлиги	таъмирлашдан қайтарилганлиги	юборилган ташкилот номи, юборилган сана	юк хатининг рақами ва санаси		
1																
2																
3																
4																
5																
6																
7																
8																
9																
10																
11																
12																
13																
14																
15																
16																

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4в-ИЛОВА

393-Молда

**Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларнинг ҳисобини юритиш
КИТОБИ**

(китобнинг учинчи қисми)

**Ўқотар ва пневматик спорт қуролига ўқ-дориларнинг
ҲИСОБИ**

Т/р	Ўқ-дорилар ҳисобга олинган сана	Ўқ-дорилар қайси ташкилотдан келиб тушганлиги ва санаси	Келиб тушган ўқ-дориларнинг кириш ҳужжати (счёт-фактура, юк хати) санаси ва рақами	Ҳисобга олинган ўқ-дориларга оид маълумотлар				Ўқ-дориларнинг ҳисобдан чиқарилишига оид маълумотлар			Ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолати	Изоҳ
				тури	калибри	ишлаб чиқарилган йили ва партияси	миқдори (дона)	ҳисобдан чиқарилиши сабаби (бериб юборилиши, сарфланиши, йўқотилиши) (талон-ғоруж қилиниши) ёки яроқсиз ҳолга келиши	ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган ҳужжат, унинг рақами ва санаси	ҳисобдан чиқарилган сана		
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

— 74 —

29 (685)-сон

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда
унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш,
қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
5-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)

(имзо)

20_____ йил «_____» _____

М.Ў.

**Ўқотар ва пневматик спорт қуролларининг техник
ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

20_____ йил «_____» _____ шаҳри
(йил) (кун) (ой) (жой номи)

Қурол ва ўқ-дориларнинг техник ва яроқлилиқ ҳолатини аниқлаш ко-
миссияси томонидан _____ да
(ташкилот номи)

ҳисобда мавжуд бўлган ўқотар ва пневматик спорт қуролларининг техник
ҳолати ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди:

Т/р	Қуролнинг тури, номи, маркаси ва модели, ишлаб чиқарилган йили ҳамда завод серияси ва рақами	Қуролнинг ҳисобга олинган санаси	Қуролнинг техник ҳолати ҳақида қисқача тавсиф	Қуролнинг таъмирланишга муҳтожлигини билдирувчи сабаб(лар)	Қуролни таъмирлаш даражаси (қисман, ўргача ёки тўлалигича) ва унинг қисқача тавсифи	Изоҳ
	1	2	3	4	5	6

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комиссия томонидан жадвалда кўрсатил-
ган таъмирланишга муҳтож деб топилган қуролларни таъмирлашга юбори-
лиши таклиф этилади.

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О.) (имзо)

Комиссия аъзолари: _____
(Ф.И.О.) (имзо)

(Ф.И.О.)	(имзо)
(Ф.И.О.)	(имзо)

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда
унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш,
қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
6-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(ташқилот раҳбарининг Ф.И.О.)

(имзо)

20_____ йил «_____» _____

М.Ў.

**Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ва унга
ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолатини ўрганиш
натижалари бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

20_____ йил «_____» _____ шаҳри
(йил) (кун) (ой) (жой номи)

Қурол ва ўқ-дориларнинг техник ва яроқлилик ҳолатини аниқлаш комиссияси томонидан _____ да
(ташқилот номи)

ҳисобда мавжуд бўлган ўқотар ва пневматик спорт қуроллари ҳамда уларга ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолати ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди:

Т/р	Қуролнинг тури, номи, маркази ва модели, ишлаб чиқарилган йили ҳамда завод серияси ва рақами (ўқ-дориларнинг тури, калибри, ишлаб чиқарилган йили ва партияси ҳамда уларнинг миқдори)	Қурол (ўқ-дорилар)нинг ҳисобга олинган санаси	Қурол (ўқ-дорилар)нинг яроқсиз ҳолга келганлигини билдирувчи сабаб(лар)	Қуролнинг яроқлилик тоифаси (ўқ-дориларнинг яроқлилик ҳолати) бўйича қисқача тавсифи	Изоҳ
	1	2	3	4	5

Юқоридагилардан келиб чиқиб, комиссия томонидан жадвалда кўрсатил-

ган яроқсиз ҳолга келган деб топилган қурол (ўқ-дорилар)нинг ҳисобдан чиқарилиши ва йўқ қилиш учун юборилиши таклиф этилади.

Комиссия раиси	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)
Комиссия аъзолари:	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)
	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)
	_____	_____
	(Ф.И.О.)	(имзо)

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
7-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(ташқилот раҳбарининг Ф.И.О.)

(имзо)

20_____ йил «_____» _____

М.Ў.

Ўқотиш машғулот ва (ёки) мусобақаларда сарфланган ўқ-дориларни ҳисобдан чиқариш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

20_____ йил «_____» _____ шаҳри

(йил) (кун) (ой) (жой номи)

Мен, _____

(сақлаш учун масъул шахснинг Ф.И.О.)

_____ да

(ташқилот номи)

ҳисобда мавжуд бўлган, ўқотиш машғулот ва (ёки) мусобақаларда фойда-

ланувчиларга берилган ва улар томонидан сарфланган ўқ-дориларнинг миқдорини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни аниқладим:

Т/р	Қуролнинг тури, номи, маркази ва модели	Фойдаланувчига берилган қуролга ўқ-дориларнинг жами миқдори (дона)	Берилган ўқ-дориларнинг сарфланган жами миқдори (дона)	Изоҳ
	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жадвалда кўрсатилган сарфланган ўқ-дориларни ҳисобдан чиқаришни таклиф этаман.

Далолатномани тузувчи: _____ (сақлаш учун масъул шахснинг Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 8-ИЛОВА

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда уларга ўқ-дориларни бериш ва қабул қилиш журнали (Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда уларга ўқ-дориларнинг ҳисобини юритиш китоби) титул varaғининг ШАКЛИ

_____ (идоравий мансуб ташкилотнинг номи (мавжуд бўлса))

«Times New Roman»
14 ўлчамли шрифтда

_____ (ташкилот номи)

«Times New Roman»
14 ўлчамли шрифтда

_____ (журнал ёки китобнинг номи)

«Times New Roman»
18 ўлчамли шрифтда

«Times New Roman»
12 ўлчамли шрифтда

Юритилиш бошланди: 20 ____ йил « ____ » _____.

Юритилиш тугатилди: 20 ____ йил « ____ » _____.

_____ шаҳри — ____ йил

«Times New Roman»
12 ўлчамли шрифтда

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда унга ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, бериш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
9-ИЛОВА

Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда уларга ўқ-дориларни бериш ва қабул қилиш журнали (Ўқотар ва пневматик спорт қуроли ҳамда уларга ўқ-дориларнинг ҳисобини юритиш китоби) охириги варағининг ШАКЛИ

«Times New Roman»
12 ўлчамли шрифтда

Мазкур журналда (китобда) жами _____ варақ рақамланган
(__ бетдан __ бетгача (қўшган ҳолда) ҳамда ип ўтказилиб тикилган.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ (ташқилот раҳбарининг Ф.И.О.)

(имзо)

20 ____ йил « ____ » _____

М.Ў.

«ҲИСОБГА ОЛИНДИ»

_____ (худудий ички ишлар органи ходимининг лавозими,
унвони ва Ф.И.О.)

(имзо)

20 ____ йил « ____ » _____

М.Ў.